

**Жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида
халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилиши таклиф этилаётган ваколатлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ваколатнинг қисқача мазмуни	Ваколат ўтказилиши таклиф этилаётган орган	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат
1.	Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари билан келишган ҳолда тегишли ҳудудда давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “ Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида ”ги Қонуни (13-модда)
2.	Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари билан келишган ҳолда давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, бундан республика тасарруфидаги таълим муассасалари мустасно.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “ Таълим тўғрисида ”ги Қонуни (27-модда)
3.	Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба ҳисобланадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини сақлаш полигонларининг жойини давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилаш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “ Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида ”ги Қонуни (21-модда)
4.	Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни қуриш жойларини белгилаш, уларни қуриш ҳамда қайта қуриш лойиҳаларини келишиш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “ Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида ”ги Қонуни (22-модда)
5.	Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлашга (давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда) розилик бериш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “ Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида ”ги Қонуни (42-модда)
6.	Чиқиндилар кўмиб ташланадиган жойларни (хавfli чиқиндилар бундан мустасно) белгилаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “ Чиқиндилар тўғрисида ”ги Қонуни (22-модда)

7.	Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш ҳақини тўлашнинг йўл қўйиладиган доирадаги тарифларини белгилаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида” ги Қонуни (16-модда)
8.	Йўналишларни ташкил этиш, шу жумладан янги йўналишлар очиш ва ишлаб турганларини ўзгартириш, бекатларни, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини жойлаштириш ерини келишиш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида” ги Қонуни (19-модда)
9.	Шаҳар йўловчилар транспортидан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифлар жорий этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида” ги Қонуни (11-модда)
10.	Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорларни маҳаллий меҳнат органларининг тақдимномалари бўйича ёки мустақил равишда олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (98-модда) Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ги Қонуни (18-модда)
11.	Иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрларини тасдиқлаш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ги Қонуни (23-модда)
12.	Ҳудудларнинг экологик ҳолати ёки ҳудудларда транспорт воситалари ва одамлар ҳаракатининг алоҳида тартибидан келиб чиқиб, авиация ишларини бажариш шартлари ва чекловларини белгилаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси (95-модда)
13.	Табиий офат, авариялар рўй берган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда, шунингдек корхона водопровод сувини лимитдан ортиқча олган тақдирда, аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини ва маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш манфаатларини кўзлаб, коммунал водопроводлардан саноат мақсадлари учун ичимлик сув истеъмолини қисқартириш ёки тақиқлаб қўйиш, идораларга қарашли ичимлик сув берадиган хўжалик водопроводлари сувидан саноат мақсадлари учун фойдаланишни вақтинча чеклаб қўйиш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни (57-модда)

14.	Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни тасдиқлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида” ги Қонуни
15.	Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Қонуни (11-модда)
16.	Ҳовли, уй атрофи ҳудудларини сақлаш ва турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” ги Қонуни (23-модда)
17.	Маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини ҳамда тегишли объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини белгилаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (21-модда)
18.	Аҳоли пунктларининг ҳудудий зоналари тоифаларига маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ўзгартириш киритиш, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда уларга ер участкаларини ҳамда бошқа объектларни киритиш.	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (63-модда)
19.	Тошкент шаҳри ҳудудида алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритиш.	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (76-модда)
20.	Қўйидаги тоифадаги алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларини маҳаллий аҳамиятга молик (умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритилмаган) объектлар жумласига киритиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш бўйича Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдимнома киритиш: табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар таъсирига дучор бўлган ҳудудлар; йўл қўйиладиган энг юқори концентрациялардан ортиқча кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан, йўл қўйиладиган энг юқори даражалардан ортиқча радиоактив моддалар билан ифлосланган ҳудудлар.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (76-модда)

21.	Табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулдда вазиятлар таъсирига дучор бўлган ҳудудларни умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (76-модда)
22.	Қуйидаги тоифадаги алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларини маҳаллий аҳамиятга молик (умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритилмаган) объектлар жумласига киритиш: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар; ҳаёт фаолиятининг алоҳида режимига эга бўлган аҳоли пунктлари (ҳарбий объектлар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналари ҳудудларида ва қўриқланадиган бошқа табиий ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари) ҳудудлари; Нукус шаҳри ҳамда вилоятларнинг маъмурий марказлари бўлган шаҳарлар ҳудудлари, шунингдек маданий мерос объектлари мавжуд бўлган шаҳарлар ҳудудлари.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси (76-модда)
23.	Инвестиция фаолияти соҳасида эшитувларни амалга ошириш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонуни (33-модда)
24.	Маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғларини давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (23-модда)
25.	Табиий объектларни давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (27-модда)
26.	Буюртма қўриқхоналарини ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (31-модда)
27.	Табиий питомникларни ташкил этиш.	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари	Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (33-модда)

28.	Маҳаллий аҳамиятга молик курорт табиий ҳудудларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Мўҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (36-модда)
29.	Рекреация зоналарини, жумладан давлат ўрмон фонди участкаларидаги рекреация зоналарини ваколатли давлат органлари билан келишган ҳолда ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Мўҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (38-модда)
30.	Маҳаллий аҳамиятга молик ботаника ва дендрология боғларини ташкил этиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини мўҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни (18-19-моддалар)
31.	Илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни тасдиқлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ–6198-сон Фармони
32.	Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича ҳудудий ҳаракатлар режаларини тасдиқлаш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ–4850-сон қарорига 1-илова (30-банд)
33.	Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари директорларининг қонунчилик билан зиммасига юклатилган вазифалар ижроси юзасидан ҳисоботини ҳар йил якуни бўйича эшитиш. Эшитиш натижалари бўйича Марказ директорларини рағбатлантириш (шу жумладан бошқа лавозимларга кўтариш) ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш (шу жумладан лавозимидан озод қилиш) бўйича таклиф киритиш.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ–5279-сон қарори (2-банд)